

## **ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ҒЎЗА НАВЛАРИ ЭКОЛОГИК СИНОВИ.**

**Қодирова Дилбар Нормўминовна** - ТерДУ Бошланғич таълим кафедраси  
мудири, доцент, б.ф.н.

**Фазилов Шерзод Мусурмонович** - Термиз давлат университети, ўқитувчи.  
Сурхондарё, Ўзбекистон

**Аннотация:** Мақолада ингичка толали ғўзанинг 15 нави бўйича экологик синов натижалари ҳақида маълумотлар берилган. Ушбу тадқиқот натижалари Ўзбекистонда пахта секторининг барқарорлиги ва рақобатбардошлигини оширишга катта ҳисса қўшиши кутилмоқда.

**Калит сўзлар:** Экологик синов, Сп-1607, Термиз-202, Термиз-208, Сурхон-16, Сурхон-14, Сурхон-106, Сурхон-18.

**Аннотация.** В статье приведены сведения о результатах экологических испытаний 15 сортов тонковолокнистого хлопка. Ожидается, что результаты этого исследования внесут значительный вклад в повышение стабильности и конкурентоспособности хлопкового сектора в Узбекистане.

**Ключевые слова.** Экологические испытания, Сп-1607, Термиз-202, Термиз-208, Сурхон-16, Сурхон-14, Сурхон-106, Сурхон-18.

## **ECOLOGICAL TESTING OF FINE FIBER COTTON VARIETIES.**

**Kadirova Dilbar Normo'minovna**

Termez State University, Dotsent. Surkhandarya, Uzbekistan

**Fazilov Sherzod Musurmonovich**

Termez State University, Teacher. Surkhandarya, Uzbekistan

**Abstract.** The article provides information on the results of environmental tests of 15 varieties of fine-staple cotton. The results of this research are expected to contribute significantly to increasing the stability and competitiveness of the cotton sector in Uzbekistan.

**Keywords.** Environmental tests, Sp-1607, Termiz-202, Termiz-208, Surxon-16, Surxon-14, Surxon-106, Surxon-18.

Жаҳонда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилининг 20-25% и табиатдаги турли хил нохуш абиотик омиллар (гармсел, юқори харорат, сув танқислиги в.х.к.з.) таъсирида нобуд бўлади. Шу жумладан гармсел ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларига жиддий зарар келтирадиган жиддий омиллардан бири ҳисобланади. «Гармселнинг салбий таъсири бўйича пахтадан ўртача 9,0-10,0 ц/га, буғдойдан 7,0-8,0 ц/га, шолидан 3,0-5,0 ц/га ҳосил йўқотилиши аниқланган. Айниқса, бугунги кунда Жанубий ва Шарқий Осиё мамлакатлари, Шимолий Африка ва Яқин Шарқ мамлакатлари, Австралия ҳамда Жанубий ва Шимолий Американинг чўл ва сахро минтақаларида гармселнинг салбий таъсири яққол кузатилмоқда»<sup>1</sup>. Шу сабабли тезпишар ва экологик пластик ғўза навларини яратиш долзарб муаммо ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг услублари:** Тажрибалар Термиз туманидаги Ингичка толали пахтачилик илмий тадқиқот институти (ИТПИТИ) марказий тажриба даласида ўтказилди. Селекция ишлари ва тадқиқотлар “ Методы селекция хлопчатника ” (1968), “Методы выведения и размножения новых сортов хлопчатника ”(1969), “Қишлоқ Хўжалиги экинларининг давлат нав синови ” (1977), “ дала тажрибаларини ўтказиш услублари ” Ўзпители (2007), Ўрта Осиё ирригация ИТИ, халқаро ФАО услублари “нав ва тизмаларда ҳосилдорлик маълумотлари” Даспехов Б.Н. (1985) услуби асосида таҳлил етилди.

1-жадвал

**Ингичка толали ғўзанинг янги навлари ҳосилдорлиги ҳамда тола ва чигити сифат белгилари.**

№	навлар	Тола узунлиги мм	Тола чиқиши %	1000 дона ч.в.г	Ҳосилдорлиги ц/га		
					2020 й	2021 й	2022 й
1	Ст-Сурх-14	38.4	35.8	122	37.1	39.4	36.0
2	Сурх-16	35.5	36.9	106	37.7	39.8	36.0
3	Сурх-18	38.2	34.5	116	35.8	39.1	34.0
4	Сурх-102	39.0	35.5	120	30.4	-	-
5	Терм-49	37.3	36.6	130	35.7	37.3	33.0

6	Сурх-103	40.1	37.0	109	32.1	34.2	30.6
7	Сурх-104	40.4	40.7	102	28.9		
8	Сурх-106	37.8	35.7	109	36.2	39.8	35.1
9	Ангор	37.0	37.5	120	28.4	-	-
10	Иолатан-14	38.4	32.5	132	35.8	36.7	34.4
11	Терм-202	37.7	34.9	117	39.8	39.8	37.5
12	Терм-208	39.9	37.0	113	37.4	40.3	37.7
13	Сп-1607	39.2	37.2	108	39.2	41.8	37.2
14	Ст-1651	38.1	37.6	115	35.5	38.1	33.4
15	Марварид	41.6	35.2	118	-	-	32.0

Ингичка толали ғўзанинг 15 нави экологик синов кўчатзорида экиб синовдан ўтказилди. Булар ичида Термиз-49 ва Сурхон-102 навлари илгари экилган. Туркменистон пахтачилик илмий тадқиқот институтида яратилган Иолатан-14 нави Туркменистон Республикасида 5000 га экилиб келинмоқда. Янги навлардан “Ангор” нави морфологик жиҳатдан бир хил бўлмаганлиги ва ҳосил элементлари кам боғлаганлиги сабабли, Сурхон-104 нави бўйи паст, ҳосили камлигидан кейинг йилларда экилмади, бошқа 11 та нав 2020-2022 йилларда синовдан ўтказилди.

Сп-1607, Термиз-202 ва Термиз-208 навлари ҳосилдорлиги 39.4-38.5 ц/га юқори (39.4;39.0;38.5) кейинг ўринларда Сурхон-16, Сурхон-14, Сурхон-106 ва Сурхон-18 навларида 37.8-36.3 ц/га (37.8;37.5;37.0;36.3) ҳамда Ст-1651 ва Иолатан-14 навларида 35.7 ц/га ҳосил олинди. Сурхон-103 ва Марварид навлари ҳосилдорлиги паст (32.3-32.0) бўлганлиги қайд этилди.

Тола узунлиги белгиси бўйича андоза Сурхон-14 навида 38.4 мм, ундан юқори кўрсаткичлар Марварид (41.6), Сурхон-104 (40.4), Сурхон-103 (40.1), Термиз-208 (39.9), Сп-1607 (39.2), Сурхон-102 (39.0) навларида қайд этилди. Сурхон-18 (38.2), Ст-1651 (38.1) навлари белги кўрсаткичи андоза Сурхон-14 навига жуда яқин, Сурхон-106 0.6 мм га, Термиз-202 0.7 мм га, Термиз-49 1.1 мм “Ангор” 1.4 мм Сурхон-16 2.9 мм га калта бўлганлиги қайд этилди.

Юқоридаги маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, пахтачиликда бугунги кунда тезпишар, асосий ҳосилини эрта муддатларда берадиган, шунинг билан бир қаторда юқори тола сифатига бўлган ғўза навлари майдонини кенгайтириб бориш ўзининг ижобий самарасини беради.

1. Келиб чиқиши генетик жиҳатдан узоқ бўлган *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. турларига мансуб ғўза навлари ва тизмаларини чатиштириш орқали яратилган дурагайларнинг юқори авлодларида хўжалик учун қимматли белгиларнинг шаклланиши ва барқарорлашуви аниқланди.

2. Турлараро мураккаб дурагайлаш услуби орқали яратилган F<sub>3</sub>-F<sub>4</sub> дурагайларини якка танлов ҳамда F<sub>5</sub> ва юқори авлодларни оила тарзида ўрганиш орқали тезпишарлик, юқори ҳосилдорлик ҳамда тола чиқими ва тола узунлиги каби белгиларнинг ижобий мажмуасига эга қимматли селекцион ашёлар яратиш мумкинлиги исботланди.

3. Турлараро мураккаб дурагайлаш услуби орқали яратилган юқори авлод дурагайлари ва селекцион ашёлар қимматли хўжалик белгилари бўйича тўлиқ баҳоланиб тезпишарлик, тола ҳосилдорлиги ва сифати юқори, янги ғўза оилалари ва тизмалари яратилди.

4. Турлараро мураккаб чатиштириш, якка танлаш ва юқори авлод дурагайларини ўрганиш орқали морфологик, хўжалик ва навдорлик белгилари бўйича андоза Наманган-77 ва Бухоро-102 ғўза навларидан фарқланадиган тезпишар, тола чиқими ва сифати юқори янги ЎзПТИ-1604 ғўза нави яратилди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Очилдиев Н. Республиканинг жанубий минтақаларида етиштиришга мос, ҳосилдорлиги ва тола сифати юқори бўлган ғўзанинг селекцион ашёларини яратиш //Technical science research in Uzbekistan. – 2024. – Т. 2. – №. 7. – С. 6-19.

2. А.М.Шапиро, Э.М.Оскалина, О.К.Усмонов, редактор М.Г.Хорст-  
“Использование климатических данных для эффективного планирования и  
управления орошением перевод русской версии” Тошкент 1997 й.

3. А.А. Янгибоев., А.Б. Данабаев. Ғўзанинг ҳашоратларга  
бардошлигини оширишда госсипиум барбадензе турига мансуб навларини  
аҳамияти. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами  
(20016 йил, 15-16декабр) 1-Қисм Тошкент-2016 й. 258-260-б.

4. Amonova G. R., Rashidov N. E. Useful Properties of Medicinal  
Chamomile (*Matricaria Recutita*) //European journal of innovation in nonformal  
education. – 2024. – Т. 4. – №. 4. – С. 130-132.

5. Musurmonovich F. S., Baxriddinova R. U. Oqsil taqchilligini  
ta'minlashda soya o'simligining o'rni //Nazariy va amaliy fanlardagi ustuvor  
islohotlar va zamonaviy ta'limning innovatsion yo'nalishlari. – 2024. – Т. 1. – №.  
4. – С. 254-258.

6. Normuminovna Q. D., Musurmonovich F. S. Bioecological Properties of  
*Salvia Officinalis* L //Texas Journal of Multidisciplinary Studies. – 2022. – Т. 6. –  
С. 249-252.

7. Musurmonovich F. S. Bug'doy navlarining gullash fazasida suv  
almashinuv xususiyatlari //Nazariy va amaliy fanlardagi ustuvor islohotlar va  
zamonaviy ta'limning innovatsion yo'nalishlari. – 2024. – Т. 1. – №. 5. – С. 578-  
583.

8. Musurmonovich F. S. Dorivor mavrakning bioekologiyasining o'ziga xos  
xususiyatlari //Nazariy va amaliy fanlardagi ustuvor islohotlar va zamonaviy  
ta'limning innovatsion yo'nalishlari. – 2024. – Т. 1. – №. 5. – С. 571-577.

9. Ochildiev N.N. “Истикболли ўрта толали ЎзПИТИ-1604 навини  
ўсиши, ривожланиши ва пахта ҳосили”. //Monografia pokonferencyjna science,  
research,  
development #31. ISBN: 978-83-66401-60-0 Rotterdam 30.07.2020-31.07.2020. p.

116.

10. Очилдиев Н.Н. Ахмедов Ж.Х. “Янги ўрта толали ЎзПИТИ-1604  
ғўза навининг қимматли хўжалик кўрсатгичлари ва агротехникаси”.  
//Ўзбекистон Аграр Фани Хабарномаси журнали. ISSN: 2181-7774. 4(82)2020  
й. 16-18-бетлар.